

PISA га йўналтирилган тестни қўллаш бўйича кўрсатмалар

PISA тадқиқотининг уюштирувчиси - халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) (<https://www.oecd.org/pisa/>). PISA тести орқали 15 ёшли болаларнинг функционал саводхонлиги баҳоланади. PISA ўқувчиларнинг олган билимларини эсга тушириш қобилиятини, шунингдек, ўқувчиларнинг ўз компетенцияларини ҳаётий вазиятларда қўллай олишларини баҳолайди.

PISA га йўналтирилган тестларнинг мақсади Қирғизистон Республикасининг ўқувчиларини PISA -2025да иштирок этишга тайёрлашдир. PISA га йўналтирилган тестлар республиканинг етакчи ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган.

Маслаҳатчилар ва ташқи эксперталар Россия таълим Академиясининг таълимни ривожлантириш стратегияси институти мутахассисларидир.

PISA га йўналтирилган тест топширикларида ўқувчилар ва ўқитувчилар олинган билимларни таълим доирасидан ташқаридағи шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга вазиятларда қўллашни талаб қиласиган вазифалар билан танишишлари мумкин. Дарсда ёки дарсдан ташқари машғулотларда вазифалардан фойдаланиш ўқувчиларга олинган билимларни қўллашга, ўқитувчиларга эса ўқувчиларнинг асосий малака ва кўнікмалари бўйича шаклланган компетенцияларининг даражасини баҳолашга имкон беради. Барча вазифалар баҳолаш мезонлари билан ишлаб чиқилган бўлиб, бу ўқитувчиларга ўқувчининг жавобини объектив баҳолаш имкониятини беради.

Эслатмалар:

- вазифаларда мавжуд бўлган рангли расмлар рангли принтерда чоп этилиши керак.
- ойнинг бошида эълон қилинган PISA га йўналтирилган тестларнинг баҳолаш системаси шу йилнинг ҳар ой охирида жойлаштирилади.

Агар сизда PISA га йўналтирилган тестлар ҳақида саволларингиз бўлса, куйидаги электрон почтага ёзинг: ncokoit_pisa.kg@mail.ru

Қирғизистон Республикаси таълим ва фан вазирлигининг таълим ва ахборот технологиялари сифатини баҳолаш Миллий маркази ходимлари сизларга муваффақиятлар тилайди ва ҳамкорлик қилишга умид қиласиди.